

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББОРОВА МАТЛУБА РУСТАМОВНА

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ
ТАЛҚИНИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Джабборова Матлуба Рустамовна

Ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадиий талқини 3

Джаббарова Матлуба Рустамовна

Художественная интерпретация образа Джамшида в узбекской классической литературе.....25

Djabborova Matluba Rustamovna

Literary interpretation of Jamshid's image in Uzbek classic literature49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББОРОВА МАТЛУБА РУСТАМОВНА

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ
ТАЛҚИНИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳомидов Ҳамиджон

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманазаров Умрзоқ Абдураззоқович

филология фанлари доктори, профессор

Очиллов Эргаш Зокирович

филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи


Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» июль соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» июль кuni тарқатилди.
(2020 йил «16» июль даги 8 рақамли реестр баённомаси).


Ш.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор


Қ.Пардаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.


Б.Каримов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида қадим тарихга эга анъанавий образларнинг генезисини аниқлаш, эволюцион тарихий тараққиёт такомилени белгилаш ҳамда мифологик тимсолнинг ёзма адабиётга кириб келиш ҳодисасини кузатиш бўйича эришилган натижалар муҳим илмий қиммат касб этади. Ушбу жараён образнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, анъанавийлик ҳамда адабий таъсир орқали бошқа асарга кўчиб ўтиши, ижодий ишлов берилиши, муаллифнинг образни ўз ғоя ва мақсадларига кўра қайта гавдалантириши натижасида юзага келган мавзу ва образлар оламини қиёсий-тарихий ўрганишни тақозо этади.

Дунё адабиётшунослигида анъанавий образлар ўша халқнинг тарихан босиб ўтган залворли кечмишидан нишона ва бугун уларни қайта абадийлаштириш зарурати фахр ҳисси билан юзага чиқаётган бир пайтда бадиий образнинг анъанавийлиги ва ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан белгилаш ва мифологик қаҳрамоннинг ёзма адабиётга трансформациясини ўрганиш борасида кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Жамшид образининг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, тадрижий такомил масаласини ўрганиш ҳам Марказий Осиё ҳудудида яшаган қадим халқларнинг тарихи, маданияти, этнографияси, этнологик яшаш тарзини генетик аспектда тадқиқ этишга йўналтиради.

Республикамизда миллий адабиётимизнинг ғоявий, адабий-эстетик оламини янгича нуқтаи назар билан илмий тадқиқ этиш, «ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга»¹ бўлиб бораётган бугунги кунда анъанавий Жамшид образининг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини асослаш, унинг генезиси, тарихий шаклланиши ва бадиий талқинини аниқлаш заруратини тақозо этади. Зеро, Жамшид образи ҳақида ўзбек халқ китоби «Қиссаи Жамшид»нинг қўлёзма, тошбосма ва халқ оғзаки вариантлари мавжуд бўлишига қарамай, асрлар маҳсули бўлган бу адабий ҳодиса – қисса маҳсус ўрганилмаган. Шунингдек, адабиётшунос олимларнинг бу каби халқ китобларини ўрганиш фольклоршунослик ва адабиётшунослик учун муҳим илмий қимматга эга эканлиги², халқ қиссалари «икки ижод боғининг меваси» сифатида адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг ўрганиш объекти бўла олиши³, халқ китобларини адабиёт тарихи нуқтаи назаридан ўрганиш зарурати юзасидан қайд этган фикрлари мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи, 2018 йил 8 август.

² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 254–256.

³ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 130.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» ва БМТ Бош Ассамблеяси 72сессиясида сўзланган нутқларидаги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида Жамшид образининг тарихий-бадиий асарлардаги талқини юзасидан бир қанча олимларнинг илмий кузатишлари мавжуд. Жумладан, Н.Маллаев Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди масаласи доирасида туркий ва форсий тилли халқлар адабиётида анъанавий яшаб келган образ – Жамшид мавзусига тўхталиб, уни эзгулик мифлари қаторида қайд этади⁴. «Шоҳнома»нинг туркий таржималари ҳақида махсус тадқиқот олиб борган Ҳ.Ҳомидов Жамшид образининг ўзбек адабиётига кириб келиши ҳақида «Шоҳнома» ва «Авесто» сюжетларига таяниб кенг маълумот беради⁵. Шунингдек, фольклоршунос олим М.Жўраев томонидан ёритилган «Авесто»даги Каюмарс, Жамшид, Заҳҳок, Фаридун каби образларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўрни масаласи ҳам муҳим илмий қимматга эга⁶.

Жамшид образининг пайдо бўлиши, қадимги диний-тарихий асарлардаги талқини хорижлик олимларнинг тарих, маданият,

⁴ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 103–111.

⁵ Ҳомидов Ҳ. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 109–118.

⁶ Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – Б.8–29; Ипак йўли афсоналари. Тўпловчи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 59–61.

адабиётшунослик соҳаларига доир тадқиқотларида ҳам кузатилади⁷. Уларда «Авесто»даги Йима ва «Веда», «Маҳабҳорат»даги Яма қаҳрамонлари Жамшид образига мувофиқ келиши⁸, Жамшид сўзининг этимологик маъноси⁹, Жамшид образининг тарихий, бадий ва мифологик қиёфаси¹⁰, Сулаймон ва Жамшид бир образ деган баҳсли ўринлар турли даражада ёритилади¹¹. Шунингдек, Тураж Зайниванд Жамшид мавзусидаги форс халқ эртаклари ва афсоналарини¹², Жон Ҳайнелс форс мифологиясидаги Жамшид мавзусини ўрганган¹³. Зарринқўб «Шоҳнома» ва қадимги афсоналардаги Жамшид ва Заҳҳок образларини қиёслаб, фарқли хусусиятларини қайд этади¹⁴.

Ўзбек мумтоз адабиётида анъанавий Жамшид образининг бадий талқини монографик тарзда махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, мавжуд тадқиқотларда «Қиссаи Сиёвуш», «Қиссаи Барзўи Шер», «Қиссаи Афросиёб» каби асарлар қаторида Жамшид қиссаси ҳам кўрсатилади¹⁵, бироқ «Қиссаи Жамшид» асари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси

⁷Лобанкова И. Опыт реконструкции культуры протогорода: на примере историко-археологического памятника Аркаим: дисс. канд. культ. н. – Екатеринбург, 2009. – С. 58–101; Пикалов Д. Космогонические воззрения в символике и обрядности скифо-савроматских и сарматских племен Северного Кавказа: дисс. канд. ист. н. – Ставрополь, 2000. – С. 41; Кириченко В. Культурно-исторические процессы на территории Центрального Предкавказья в скифское время: на материалах Ставрополья: дисс. канд. ист. н. – Ставрополь, 2008. – С. 273; Мылников В. Деревообработка в эпоху палеометалла: Северная Азия: дисс. докт. ист. н. – Новосибирск, 2003. – С. 61; Medvedov A. The Avestan «Yima's Town» in Historical and Archaeological Perspective. 2002. – P. 58; Джурабаев Дж. Из истории жилищной культуры таджиков: дисс. канд. ист. н. – Худжанд, 2002. – С.42–43; Силаева В. Подмена реальности как социокультурный механизм виртуализации общества: дисс. канд. филос. н. – Москва, 2004. – С. 115; Омид Шива. Поэма «Шахнаме» Фирдоуси как источник по изучению этногеографии, истории и культуры ираноязычных народов: автореф. дисс. канд. ист. н. – Душанбе, 2013. – С. 20; Рак И.В. Мифы Древнего и ранне средневекового Ирана. – Москва: Летний сад, 1998. – С.156–183; Yuhan Sohrab-Dinshaw Vevaina. Studies in Zoroastrian Exegesis and Hermeneutics with a Critical Edition of the Sudgar Nask of Denkart Book 9. Doctor of Philosophy in the subject of Iranian and Persian Studies. Harvard University Cambridge, Massachusetts, 2007. – P. 304.

⁸ Лушникова А. Модель универсума древних календарей: На материале языков разных семей: дисс. докт. филол. н. – Москва, 2006. – С. 233; Самозванцев А. Мифология Востока. – Москва: Алтейа, 2000. – С. 198; Абулқосим Исмоилпур. «Шоҳнома»да Кайхусрав афсонаси: // Сино. – 2011. – №41–42. – Б 6; Macdonell A.A. Vedic Mythology. – Strassburg, 1897. – P. 42.

⁹ Лосева И., Капустин Н., Кирсанова О., Тахтамышев В. Мифологический словарь. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. – С. 231; Козлова Н. Восточнославянские мифологические рассказы о змеях. Систематика. Исследование. Тексты: дисс. докт. филол.н. – Москва, 2007. – С. 70; Ouseley W., Efq. Epitome of the ancient history of Persia. Extracted and translated from the «Jehan Ara». – London, 1799. – P. 7.

¹⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм. – Москва, 1948. – С. 292; Самозванцев. А.М. Мифология Востока. – Москва: Алтейа, 2000. – С. 198; Ghazzal Dabiri. The Origins and Development of Persian Epics. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in Near Eastern Languages and Cultures University of California, – Los Angeles, 2007. – P. 46.

¹¹ Огудин В. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы: дисс. докт. ист. н. – Москва, 2003. – С.166–179; Edward G. Browne. A Literary History of Persia from the Earliest times until Firdausi. – London: Fisher Unwin Ltd, 1909. – P. 112.

¹² تحلیل نمادین افسانه ملک جمشید. تورج زینی وند/فصلنامه فرهنگ و ادبیات عامه/سال ۴، شماره ۸، بهار ۱۳۹۵ – ص. ۹۴.

¹³ John R. Hinnells. Persian mythology. – London: Chancellor PRESS, 1973. – P. 34–38.

¹⁴ عبداحسین زرینکوب. نامورناما. – تهران، ۱۳۹۲. – ص. ۹۹.

¹⁵ Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.16; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар-демократик адабиёти. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.168; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: 1980. – Б. 32; Ҳомидов Ҳ. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 110.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор» кафедраси илмий ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадиий ва тарихий асарлардаги талқинларини ёритиш, образнинг пайдо бўлиш омиллари, тарихий тараққиёт йўли, мумтоз лирикадаги муайян маънони англатишдаги поэтик вазифасини белгилаш ҳамда халқ китоби «Қиссаи Жамшид»даги бош қаҳрамон қиёфасини қиёсий-тарихий тадқиқ этиш ва қиссанинг ўзбек насри тараққиётидаги ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги манбалардаги Жамшид образи билан боғлиқ сюжетлар ҳамда тарихий-бадиий асарлардаги Жамшид тимсолини қиёсий-тарихий аспектда текшириш ва улардаги образнинг шаклланишига асос бўлган омилларни гуруҳлаш, тавсифлаш;

мумтоз шеърятдаги ҳамда Алишер Навоий «Хамса» дostonларидаги Жамшид ва жоми Жам образининг маъно кўламини таҳлил қилиш, лирикадаги адабий-эстетик вазифасини белгилаш;

«Қиссаи Жамшид» асарининг оғзаки ва ёзма вариантларини қиёсий-тарихий аспектда тадқиқ этиш, анъанавий образга хос жиҳатларни таснифлаш орқали ўзбек мумтоз адабиётида бадиий образнинг тадрижий такомиллиги, ўзига хос маъно юки, бажарадиган вазифаларини очиб бериш;

қиссанинг анъанавий сюжет асосида яратилган мустақил асар эканлигини далиллаш, бадиий тил хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ўзбек насрчилиги тарихидаги ўрнини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ЎзР ФА Шарқшунослик институти кўлёмалар хазинасида сақланаётган «Қиссаи Жамшид» асарининг 2та кўлёмза ва 9та тошбосма нусхаси ҳамда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг фольклор архивида сақланаётган «Жамшид қиссаси» (84, 102-инвентарь рақамли магнит тасма) ташкил этади. Шунингдек, образнинг генезисини аниқлаш, эволюциясини белгилаш жараёнида манбаларга қиёслаш учун Дийнаварийнинг араб тилидаги «كتاب الاخبار الطوال» – «Китоб ал-ахбор ал-тавол» асари (ЎзР ФА ШИ кўлёмалар фонди 17049-инвентарь рақамли тошбосма), Табарийнинг усмонли турк тилидаги «تاريخ الطبري» – «Тарихи Табарий» китоби (ЎзР ФА ШИ кўлёмалар фонди 18038-инвентарь рақамли тошбосма), Саолибийнинг араб тилидаги «غرر احبار ملوك الفرس وسيرهم» – «Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тарихи» ва асарнинг Зотенберг томонидан таржима қилинган француз тилидаги «Histoire des rois des Perses» – «Форс подшоҳлари тарихи» китобининг факсимил нусхаси, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг Давид Шея томонидан таржима қилинган инглиз тилидаги «History of the Early kings of Persia» – «Дастлабки форс подшоҳлари тарихи» номли 1-жилди ҳамда жорий нашрлардаги «Авесто» китоби, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки

Ажам» ва «Хамса» дostonлари ҳамда ўзбек мумтоз шеърияти намуналаридан иборат.

Тадқиқотнинг предмети доирасига шоҳ Жамшид ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларни қиёсий-тарихий аспектда солиштириш, ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадиий талқини масаласи ва «Қиссаи Жамшид» асарини тадқиқ этиш киради.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, генетик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тарихий манбалардаги Жамшид мавзусини қиёсий ўрганиш орқали мазкур образининг генезисига доир маълумотлар мисоллар асосида аниқланган;

мумтоз шеъриятдаги ҳамда Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonларида Жамшид ва жоми Жам тимсолининг бадиий тасвири ва ифодаси асосида мазкур образининг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрни, бадиий-эстетик вазифаси очиб берилган;

Жамшид сиймосининг тарихий-бадиий асарлардаги таҳлили орқали образининг шаклланиб бориши, сюжетларнинг такомиллашуви ҳамда анъанавий сюжет замирида мустақил халқ қиссасининг яратилишига асос бўлгани далилланган;

«Қиссаи Жамшид»нинг оғзаки ва ёзма вариантларида бош қаҳрамон ҳақидаги сюжетнинг ўзида кўхна унсурларни сақлагани ва тадрижий такомилли, поэтик хусусиятлари ҳамда қиссанинг XIX аср ўзбек насри тарихида тутган ўрни аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жамшид образининг генезиси, мифологик образининг бадиий образга трансформацияси диний, тарихий, бадиий манбалар асосида тасниф этилган;

лирикада подшоҳ Жамшид ва жоми Жам тимсолининг шоир мақсадини юзага чиқаришдаги вазифаси ва маъно кўлами ўзбек мумтоз шоирлари ижоди асосида таҳлил этилган;

«Қиссаи Жамшид»нинг 2 та қўлёзма ва 9 та тошбосма нашри қиёсий ўрганилган, нисбатан мукамал деб топилган 118 инвентарь рақамли тошбосма нусха жорий ёзувга ўгирилиб, нашрга тайёрланган;

қисса сюжети генетик асосларига кўра қиёсий текширилган, асар тўқимасидаги мотивлар, деталлар изоҳланган, бадиий тил хусусиятларига кўра қадим ўзбек насрининг барча хусусиятларини ўзида жамлаган асар эканлиги далилланган;

қиссанинг оғзаки ва ёзма вариантларини қиёсий ўрганиш натижасида асарнинг жангнома-саргузашт типидagi ўз даври китобхонлари эҳтиёжини қондириш мақсадида майдонга келгани ёритилган ва ўзбек насри таракқиётида тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда муаммонинг аниқ қўйилгани ва тадқиқот ишини юзага чиқаришда бирламчи манбаларга таянилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиётида анъанавий образнинг бадиий талқини масаласини ёритишда, адабиётшуносликда бадиий образнинг генезиси, қўлланиш доираси, сюжетларнинг келиб чиқиши ва давр адабиётидаги ўрнини белгилашда, «Қиссаи Жамшид»нинг XX аср ўзбек насри тараққиёти, хусусан, ўзбек адабиётида қисса жанрининг пайдо бўлишига замин бўлган манбаларни ўрганишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари ва хулосаларидан олий ўқув юртларида ўқитиладиган мутахассислик фанлари: «Халқ оғзаки ижоди», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек мифологияси», магистратура босқичида ўқитиладиган «Мумтоз тарихий поэтика», «Адабиётшунослик тарихи» фанларидан маърузалар тайёрлаш ҳамда шу йўналишда олиб борилаётган тадқиқот ишларида назарий қўлланма бўлиб хизмат қилади, шунингдек, Ўзбек адабиёти фан сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасаларида махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамшид образининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқинини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анъанавий Жамшид образининг пайдо бўлиши, мумтоз лирика ва Алишер Навоий асарларидаги Жамшид образининг бадиий талқини каби мавзуларнинг мазмун-моҳиятини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА – Ф1-ГО39 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий комусларини яратиш» мавзусидаги (2012–2016) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 7 февралдаги 3/1255-400-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг тарихий асарларида, «Хамса» дostonларида ва ғазалларидаги анъанавий Жамшид образининг бадиий талқини масаласи аниқлаштирилган ҳамда Алишер Навоийнинг анъанавий образдан фойдаланишдаги ўзига хослиги ва маҳорати масалаларини илмий баҳолаш имконияти яратилган;

«Қиссаи Жамшид»нинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида сақланаётган «Жамшид» дostonининг халқ варианты билан қиёсий-тарихий усулда ўрганиш ҳамда халқ китоби «Қиссаи Жамшид»нинг XIX аср ўзбек насри тарихида тутган ўрни аниқлаш билан боғлиқ тадқиқот натижаларидан ЎЗР Фанлар академияси давлат Адабиёт музейида бажарилган Ф1-ФА-055746 «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва муаллифлар архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» мавзусидаги (2012–2016) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 7 февралдаги 3/1255-400-сон маълумотномаси). Натижада халқ китоби «Қиссаи Жамшид»нинг 118-рақамли тошбосма нусхаси жорий имлога табдил қилиниб, нашрга тайёрланган ҳамда мазкур қиссанинг XIX аср ўзбек насри тарихида тутган ўрни аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та, жумладан, хорижий журналда 2 та, республика журналларида 6 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жамшид образининг шаклланишидаги адабий-эстетик омиллар**» деб номланган биринчи бобида Шарқ халқлари адабиётида анъанавий Жамшид образининг генезиси, тарихий-бадий асарлардаги эволюцияси тадқиқ этилди. Бобнинг биринчи фаслида «**Жамшид образининг «Авесто» ҳамда қадимги мифлардаги талқини**» муаммоси ўрганилди. Мазкур фаслда дастлаб Жамшид номининг этимологик маъносига доир мулоҳазалар, образнинг «Авесто» ҳамда мифлардаги талқинига эътибор қаратилди.

Жамшид ҳақидаги илк ёзма маълумот «Авесто»да қайд этилган. Китобда унинг дастлаб беҳисоб йилқи ва сурувлар соҳиби бўлгани, кейинчалик подшоҳлик фаолиятини юритиши, ҳукмронлик даврида кўп кашфиётларга асос солгани ҳамда фожеали ҳалокати баён этилади ¹⁶. «Авесто»даги Жамшид образи билан боғлиқ маълумотлар қуйидагича таснифланди:

1. *Жамшиднинг тузилиши билан боғлиқ лавҳалар.*
2. *Жамшиднинг подшоҳлик фаолияти билан боғлиқ воқеалар.*
3. *Жамшиднинг кашфиётчилик сифатлари ҳақида.*
4. *Жамшид номининг Наврўз байрами билан боғланиши.*
5. *Жамшиднинг ер ости манзилгоҳлари – варлари ҳақида.*
6. *Жамшиднинг такаббурликка берилиши билан боғлиқ лавҳалар.*

¹⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Таржимон: А.Маҳкам. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.14.

Тадқиқотда Жамшид образининг «Авесто»даги илк сифатлари кейинги даврларда Эрон ва Турон халқларининг халқ оғзаки ижодига ўзлашиб, кенг оммалашгани далилланди.

Эрон мифологиясида Жамшид образи. Эрон мифологиясидаги Жамшид образи «Авесто» таъсирида пайдо бўлган ва куйидагича ривожланган: 1) Жамшиднинг «Авесто»даги чексиз сурувлар соҳиби сифатидаги талқини мифларга «Йима подачиларнинг хомийси» сифатида кўчган. Одамлар Йима худоси уларнинг семиз сурувларини йиртқич хайвонлардан сақлашига ишонган. Мабодо подага зиён етса, бу Йиманинг қаҳр-ғазабидан, деб тушунишган. Кейинчалик бундай қарашлар ривожланиб, Йимани «Тангри» даражасига кўтарган¹⁷. 2) «Авесто»даги Жамшид даврини «олтин аср» деб аталгани ҳақидаги қайдлар Йима «ердаги жаннат мамлакатининг подшоҳи» бўлган, деган қарашни юзага келтирган. Жамшиднинг ер остидаги ҳаёти – одамларни қаҳратон совуқдан сақлаш мақсадида ер остида макон тутгани ҳақидаги лавҳалар эса ҳинд мифологиясида Яманинг «ўликлар худоси», «биринчи ўлган одам» тарзида ўлим мотиви билан боғланишига сабаб бўлган. Халқ оғзаки ижодида Жамшид сиймосининг қудрати, фазилатлари мадҳ этилган кўплаб дostonлар, ҳикоялар, эртақлар яратилган¹⁸. Хуллас Эрон мифологиясида Жамшид образини мадҳ этувчи оғзаки ижод намуналари кенг тарқалган.

Ҳинд мифологиясида Жамшид образи мифлар, «Маҳабҳорат», «Панчатантра», «Веда»даги Яма қаҳрамони орқали таҳлил этилди. Хусусан, Йима қадимги ҳинд мифологиясига Яма тарзида кўчгани, унинг номи «молбоқарлар худоси», «эзгулик тангриси», «биринчи яратилган инсон», «биринчи ўлган инсон», «дастлабки яратилган эгизак», «ер усти ва ер ости подшоҳи», «қабристонлар ҳукмдори», «оловнинг яратувчиси» каби изоҳлар билан мадҳ этилгани, Жамшид ва Яма қаҳрамонининг умумий жиҳатлари таҳлил этилди ҳамда турли манбалар асосида бир образ эканлиги далилланди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида Жамшид образи афсона ва эртақлар орқали таҳлил қилинди. Хусусан, Я.Ғуломовнинг китобидаги «Эр Хубби» ва Хуросон атрофидаги ерларда 12000 хонадондан иборат Жамшид қабиласини яшаганлиги ҳақида халқ афсонаси келтирилган¹⁹. Шунингдек, ўзбек халқ эртаги «Болам Жамшид»²⁰ ҳамда «Жамшид эртаги»²¹нинг яратилганлиги ҳам Жамшид образининг ўзбек халқ оғзаки ижодига кириб келганлиги ва бу

¹⁷ Пикалов Д. Космогонические воззрения в символикe и обрядности скифо-савроматских и сарматских племен Северного Кавказа: дисс. канд. ист. н. – Ставрополь, 2000. – С. 41.

¹⁸ The story-book of the shah or legends of old Persia. By Ella C. Sykes. – London, 1901. – P. 1-44. The three dervishes and other Persian tales and legends. By Reuben Levy. – London: Humphrey Milford Oxford university press, 1923. – P. 68-79. Таджикские народные сказки. – Душанбе: Ирфон, 1972. – Б. 184.

¹⁹ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғориш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 32, 231.

²⁰ «Болам Жамшид» эртаги. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти «Фольклор архиви».

Инв. № $\frac{1786}{6}$.

²¹ Жамшид эртаги. Айтувчи: Х.Тангиров. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Магнит тасма. Инв. №84. 1974.

жараён ўзбек адабиётида Жамшид қиссасини яратилишига замин хозирлаганини кўрсатади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «*Тарихий ҳамда бадиий асарларда Жамшид мавзусининг ёритилиши*»га бағишланган. Унга кўра Дийнаварий, Саолибий, Табарий, Беруний, Мирхонд, Навоийнинг тарихий асарларида ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Жамшид қаҳрамонининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилди, образнинг ривожланишидаги асосий омиллар белгиланди.

Тарихий асарларда Жамшид талқини. Дийнаварийнинг араб тилидаги «*كتاب الاخبار الطوال*» – «Китоб ал-ахбор ал-тавол» асари Жамшид мавзуси киритилган «Авесто»дан кейинги ёзма тарихий манба ҳисобланади. Асарда шоҳ Жамшид Нух пайғамбарнинг ўғли Сомнинг наслидан эканлиги қайд этилган²². Ушбу маълумот бошқа манбалардан фарқ қилади. Жамшид қаҳрамонининг диний образга яқинлаштирилиши ўша даврда авж олган Ислом маданияти таъсирида юзага келган ва ушбу жараён Жамшид тимсолининг мифологик образдан тарихий-бадиий асар қаҳрамонига айланиш омили вазифасини ўтаган.

Абу Мансур ас-Саолибийнинг араб тилида битилган «*غرر اخبار ملوك الفرس*» («*Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тарихи*») асарида²³ Жамшид билан боғлиқ воқеалар асосан «Авесто» сюжети асосида баён этилган. Бироқ Саолибий Жамшиднинг «Авесто»даги жасоратларини мадҳ этиш баробарида инсониятни муқаррар бўлган қаролик ва ўлимдан асраши ҳақидаги воқеаларни тилга олмайди, «Авесто»да мифологик образ Жамшидни бир қадар ҳаётий қаҳрамонга айлантиради. Асар «Шоҳнома»билан бир даврда яратилгани боис «Шоҳнома»даги бир неча лавҳа Саолибийда ҳам мавжуд.

Тарихчи ат-Табарий асарининг усмонли турк тилидаги таржимасида Жамшид «*ғоятда хуб юзлук ва тотлу сўзлук киши эди*», деб тасвирланган²⁴. Муаллиф Жамшид образини Шарқ адабиётида анъанага айланган бадиий қаҳрамон қиёфасини яратиш услуби асосида тасвирлайди. Асарда анъанавий Жамшид сюжети бир мунча ўзгартирилади, Жамшид кашфиётлардан ғурурланиб эмас, Иблиснинг сўзига кириб тубанлашади. Табарийнинг асарида Жамшидга хос бўлган мифологик бўрттирма хусусиятлар инсоний характерга айлантиради. Тадқиқотда Табарий Жамшид ҳақидаги тарихан мавжуд мазмунга ижодий, мустақил ёндашганлиги асосланган.

Мирхонднинг «*Равзат ус-сафо*» асарида Жамшид образининг тарихий сиймосини кузатиш мумкин²⁵. Мирхонд Жамшид мавзусига оид лавҳаларни

²² أبو حنيفة الدينوري. *كتاب الاخبار الطوال*. ۱۹۱۱. ۛЗР ФА ШИ 17049-инвентарь рақамли тошбосма. – Б. 3. (Асардан олинган мисоллар арабшунос мутахассис томонидан ўзбек тилига таржима қилинган – Ж.М.)

²³ Tha'alibi, Abu Mansur. *Ghurar Akhbar Mulak al-Furs wa-Siyarihim*. ed. and trans. H.Zotenberg. – Paris: Imprimerie Nationale, 1900.

²⁴ تاريخ الطبري. ۛЗР ФА ШИ. 18038-инвентарь рақамли тошбосма. (Асар араб алифбосида, усмонли турк тилида бўлиб, келтирилган парчалар диссертант томонидан жорий ёзувга ўгирилган – М.Ж.)

²⁵ Mirkhond. *History of the Early kings of Persia*, trans. David Shea. – London: The Oriental translation fond, 1832. – P. 441.

бир тизимга келтириб, сюжетдаги воқеалар изчиллигини таъминлайди ҳамда уларни янги маълумотлар билан бойитади.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Жамшидни Пешдодийларнинг тўртинчи подшоҳи сифатида таърифлайди ва уни адолатли подшоҳ бўлганлигини, юртни одиллик билан бошқарганини алоҳида таъкидлайди. Диссертацияда Алишер Навоий ўзбек адабиётида анъанавий Жамшид образининг яхлит тарихини яратгани асосланди.

Бадиий адабиётда Жамшид сиймоси. Подшоҳ Жамшид ҳақидаги сюжет биринчи маротаба «Шоҳнома»да бадиийлаштирилди. Фирдавсий Жамшид тимсолида икки хил характерни мужассамлаштиради, натижада мураккаб образ яратишга эришади. «Шоҳнома»да мазкур сюжет анъанавийлик асосида Жамшид образининг бадиий адабиётдаги кейинги талқинларига асос бўлиб хизмат қилди. Диссертацияда анъанавий Жамшид образининг бадиий талқини ва унда Фирдавсийнинг ўзига хос маҳорати таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг «**Жамшид образининг ўзбек адабиётидаги инъикоси**» деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда «**Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид образи**» масаласига эътибор қаратилган.

Ўзбек мумтоз адабиётида анъанавий образлардан ижодий фойдаланиши ўзига хос жараён ҳисобланади. Жамшид образи ўзбек мумтоз шеъриятига шаклланган, турли маъноларга эга тимсол сифатида кириб келди. Замирида серқирра маъноларни ифодаловчи образ сифатида мумтоз лириканинг етакчи тимсолларидан бирига айланди. Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид образидан фойдаланиш масаласи куйидагича таснифлаб олинди:

1. *Лирикада шоҳ Жамшиднинг тарихий қиёфасидан фойдаланиши.* Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшиднинг подшоҳлик тасвири, етакчилик қилади. Подшоҳ Жамшид номи муаллиф фикрларининг исботи, бадиий ниятининг ўзига хос ифодалаш воситаси сифатида тилга олиниб, тожу тахтга кўнгил бермаслик лозимлиги тарихда ўтган Жамшид, Искандар, Фаридун каби буюк шоҳлар мисолида келтирилади, натижада шоир ўз фикрини очиш учун талмеҳ санъатидан фойдаланади:

*Қани Жамшид, Искандар, доғи Маҳмуд бирла Санжар,
Ким олсалар олар андин бу кун расми жаҳонбони²⁶.*

Шоир байтда Жамшид, Искандар, Маҳмуд каби жаҳондор подшоҳларнинг номини келтириш орқали теурий шахзодаларга тарихий далил билан насиҳат қилади; тахту тожга маҳлиё бўлмасликни, ўткинчи шон-шухратга ишониб қолмасликни уқтиради. Чунки «расми жаҳонбони» неча қудратли шоҳларнинг қўлига ўтгани, қанча ҳукмдорлар бу тахт учун қонлар тўккани, урушлар олиб боргани ва алал-оқибат уларнинг ҳеч бирига бу «жа жаҳонбони» садоқат кўрсатмагани анъанавий образлар мисолида тасвирланади.

Қолмади Жамшид, Искандар, қани Афросиёб?

²⁶ Лутфий. Девон. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 19.

*Топмади дасти ажалдин хона обод оқибат*²⁷.

Машраб шеърлятида қаландарлик кайфияти – бу оламнинг инсониятни ўзига оҳанрабодек жалб этувчи бойлигидан воз кечиш, ҳеч кимга вафо қилмаган қисқа умрнинг ғанимат дамларида ўткинчи ҳавасларга берилмаслик, дунёнинг омонатлиги тайин ва у буюк подшоҳларга ҳам вафо қилмаганлиги ишонарли далиллар орқали акс этади. Демак, ижодкорлар шоҳ Жамшид қиёфасидан қуйидаги мақсадларда фойдаланган: биринчидан, подшоҳ Жамшид фаолиятига ишора қилиниб, тарихий далил воситасида умрнинг, мол-дунёнинг ўткинчилиги уқтирилган; иккинчидан, лирик қаҳрамон ўз ҳолатини тасвирлашда Жамшид образидан фойдаланган, учинчидан, Жамшид шоирни ижод қилишга ундайдиган, унга куч берадиган ҳомий қиёфасида ифода этилган.

2. *Шоҳ Жамшид ва тожу тахт мадҳи*да Лутфий, Саййид Қосимий, Хоразмий, Юсуф Амирий, Алишер Навоий, Амирий, Машраб, Хувайдо, Фурқат каби шоирлар ижодида Жамшид образининг ўзига хос талқини таҳлил этилди.

Ўзбек шеърлятида лирик қаҳрамоннинг Жамшидга қиёсланиши, балки ундан ҳам юқори туришининг эътироф этилиши муаллифнинг қаҳрамонга муносабатини ҳам англатади:

*Муҳаммад Хўжабек Жамшиди сони,
Жаҳоннинг орзуси, халқ хони*²⁸.

Хоразмий ушбу байтда Муҳаммад Хўжабекка ҳурматини изҳор қилиб, ўз ҳомийсининг халқ орзу қилган адолатпарвар ва шавкатли подшоҳ эканлигини мадҳ этади. Ҳатто, уни иккинчи Жамшид, деб атайди. Натижада Муҳаммад Хўжабек қиёфасини Жамшид тимсолига қиёслаш орқали биринчидан, унга ҳурмати баландлигини билдирса, иккинчидан, ортиқча мадҳиябозлик, баёнчиликдан кутулиб, ўз фикрини ишонарли ва лўнда етказади.

Шоир Саййид Қосимийнинг «Садоқатнома» асарида ҳам жаҳоннинг, тахту салтанатнинг ўткинчилиги, бу бевафо дунёга ортиқча маҳлиё бўлмаслик лозимлиги тарихий мисоллар орқали уқтирилади:

*Қани Кай Хусраву Заҳҳоку Жамшид,
Жаҳондин бордилар бориси навмид*²⁹.

Кайхусрав, Заҳҳок, Жамшид каби пошдоҳлар ўз даврида дунёни забт этган, доврўғи етти иқлимга машҳур бўлган, бироқ уларнинг ҳеч бири бу дунёга устун бўла олмаган. Барчаси бу ҳаётни ноумид тарк этишга мажбур бўлган. Байтда муаллиф китобхонни огоҳликка чақириб, буюк шоҳлар мисолида умрнинг ғанимат, мол-дунёнинг эса бевафолигини таъкидлайди.

²⁷ Машраб Бобораҳим. Мехрибоним қайдасан. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 211.

²⁸ Хоразмий. Муҳаббатнома // Муборак мактублар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 38.

²⁹ Саййид Қосимий «Садоқатнома» // Муборак мактублар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 208.

3. *Лирикада жоми Жам талқини.* Жамшид жоми кўпгина байтларда маишатпарастлик, ишратбозлик тимсоли сифатида қўлланади. «Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, «жоми Жам» – туганмас бойлик ва ишрат, шукуҳу салтанат рамзи»³⁰. Мана шу нақл асносида бадий адабиётдаги анъанавий жоми Жам кўпинча ишратпарастлик ва мол-дунёни англатувчи тимсол сифатида қўлланади. Ўзбек мумтоз шеърлятида жоми Жам тимсолининг талқинлари қуйидагича таснифлаб олинди:

а) Жомнинг кўнгил маъносидаги талқини.

*Сафо издар эсанг, соф эт кўнгулни,
Сафойи ишқ жоми Жамда йўқдур*³¹.

Хоразмий покликни, пок муҳаббатни истаётган киши покляниш амалларини кўнгилни пок этишдан бошлаган маъқул. Чунки бундай «сафойи ишқ» – поклик ҳатто жоми Жамда ҳам йўқ, деб уқтиради. «Сафо – риёзат чекишдан кўнгилнинг покляниши», «Поклик – таъбнинг нописанд ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгилнинг ағёр, яъни ғайри ёрдан, ғаддор дунёдан юз ўгириши»дир³². Бу ўринда жоми Жам ўткинчи дунё, ишратпарастлик тимсолидир. Шоир демоқчики, дунёни буткул покляшнинг имкони йўқ, шу боисдан ўз кўнглини дунё ғуборларидан пок эт. Ҳар бир инсон ўз кўнглини пок этсагина, олам ҳам покляниши мумкин. Муаллиф пок қалбли, тоза кўнгилли инсонлар орқали дунёни ғубор ва чанглардан покляшни истайди.

б) Жомнинг дунё, борлиқ, мол-мулк маъносидаги талқини.

Диссертацияда мумтоз лирикадаги жоми Жамга тасаввуфий тимсол, бадий детал, сирли тилсимот сифатида мурожаат этилган байтлар таҳлил этилди. Шеърлятда жоми Жам тимсолидан ғоявий-бадий мақсадни юзага чиқариш учун фойдаланилгани далилланди. Хусусан, Жамшид сингари подшоҳлар қисмати орқали тожу тахт, мол дунё ҳеч кимга вафо қилмаслиги уқтирилди, анъанавий тимсол воситасида талмеҳ, ташбеҳ, истиора, муболаға, тазод каби санъат намуналари яратилди, подшоҳ Жамшид мисолида адолат, бунёдкорлик, илм ва ҳунарни қадрлаш ғоялари илгари сурилди.

Мумтоз шеърлятда Алишер Навоий лирикасида жоми Жамнинг ўзига хос талқини алоҳида аҳамиятга эга. Ишда Навоий ижодида Жамшид ва унинг жоми билан боғлиқ байтлар саралаб олинди. Натижада «Ғаройиб ус-сиғар»да 19та, «Наводир уш-шабоб»да 18та, «Бадоеъ ул-васат»да 21та, «Фавойид ул кибар»да 10та, жами 68та ғазал; «Бадоеъ ул-васат»да 1та, «Фавойид ул кибар»да 2та, жами 3та қитъа ва «Фавойид ул кибар»даги бир соқийномада Жамшид ҳамда жоми Жам номи турли мақсадларда қўлланилгани аниқланди. Тадқиқотда шоҳ Жамшид ва унинг жоми ўзбек мумтоз шеърлятида анъанавий тимсол сифатида даврлар оша бадий адабиётга сингиб,

³⁰ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 225.

³¹ Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б.111.

³² Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 222.

такомиллашиб боргани, ушбу жараён эса ўзбек адабиётида Жамшид мавзусини қайта ишланишига, Жамшид қиссасининг яратилишига ҳам замин ҳозирлагани асосланди.

Иккинчи бобнинг *«Навоий «Хамса»сида Жамшид ва жоми Жам талқини»* деб номланган иккинчи фаслида Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonларидаги Жамшид ва унинг машҳур жоми маъновий вазифасига кўра тадқиқ этилди.

«Хамса»да Жамшид сиймосига турли муносабатлар билан мурожаат этилган: биринчидан, дostonда тарихий афсонавий подшоҳ Жамшид фаолияти билан боғлиқ ривоятлар келтирилади; иккинчидан, Жамшиднинг адолатпешалиги ва бунёдкорлик хислатини барча замон ҳукмдорларига ўрнак қилиб кўрсатилади; учинчидан, муаллиф Шарқ адабиётида рамзий тимсолга айланган жоми Жам ҳикоятдан ижодий фойдаланади.

«Ҳайрат ул-аброр»да Жамшид образи, асосан, муқоясалаш, мисол келтириш, ўхшатиш ва муаллиф фикрларини далиллаш мақсадида ишлатилган. «Фарҳод ва Ширин»да Жамшид жоми тилсим сифатида тасвирланиб, ушбу тимсол орқали Фарҳоднинг руҳий олами очиб берилган. «Лайли ва Мажнун» дostonида Жамшид номи бир ўринда – Ҳусайн Бойқаро мадҳ этилган VII бобда учрайди. Шоир шоҳ базмидаги қадахни Жамшид жомига ўхшатади. «Сабъаи Сайёр»да Баҳромнинг салтанат ва ҳашаматини бўрттириб кўрсатишда Жамшид тимсолидан кенг фойдаланади. Дostonда иккинчи иқлим йўлидан келган мусофир Зайднинг бошидан ўтган саргузаштлари Шарқ адабиётида машҳур бўлган Жамшид сюжетининг бир бўлаги – Жамшид ўзи учун ҳашаматли тахт қурдириши ҳақидаги ривоят таркибига сингдирилади, айнан ўша тахт ясалиши ҳақидаги сюжет ёрдамида Зайднинг ижобий ва салбий хусусиятлари очиб берилади.

Алишер Навоий бошқа асарларга нисбатан «Садди Искандарий» дostonида Жамшид ва жом мавзусига алоҳида эътибор қаратади, унинг илму ҳикмат аҳлини тўплаб, икки хил жом ясаттиргани ҳақида ҳикоя қилади. Алишер Навоий *жоми Жам* хусусиятларини эпик асарда батафсил тасвирлайди. Диссертацияда Алишер Навоий «Хамса» дostonларида Фарҳод, Баҳром, Искандар сингари бош қаҳрамонлар тимсолини афсонавий шоҳ Жамшидга қиёслаш орқали образни янада аниқ ва ёрқин тасвирлашга эришгани, «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларида Жамшид ҳақидаги ривоятлардан фойдаланиб Зайд Заҳҳоб ҳақидаги, Жоми жаҳоннамо ва Жоми ишратфизо ҳақидаги ҳикоятларни яратгани аниқланди.

Тадқиқотнинг учинчи боби *«Қиссаи Жамшид»даги бош қаҳрамон образи»* деб номланди. Унинг биринчи фаслида *«Қиссадаги Жамшид образи талқинида анъана ва ўзига хослик»* масаласига эътибор қаратилди. Қадимда халқ қиссахонлиги анъанавий тарзда шоҳномахонликнинг таъсири ўлароқ кенг оммалашган. Уларнинг оғзаки вариантлари билан бир қаторда ёзма манбалари ҳам юзага келди. Ушбу қиссалар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг ўзаро уйғунлашуви, бирикиши натижасидир.

Халқ қиссалари анъанавий сюжет асосида яратилган, масалан, «Шоҳнома» қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат қозониб, улардан айримлари ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида ижодий қайта ишланган³³. Ушбу жараёнда «Қиссаи Жамшид»нинг ҳам бир қанча вариантлари юзага келган³⁴.

«Қиссаи Жамшид» асарининг марказида ҳам подшоҳ Жамшид образи тасвирланганки, ушбу қаҳрамон тимсоли нафақат ўзбек классик адабиётида, балки Шарқ адабиётида ҳам машҳур образлардан ҳисобланади. Диссертацияда Жамшид образининг ўзига хос қиёфасини янада теранроқ кузатиш мақсадида асарнинг оғзаки ва ёзма вариантларидаги бош қаҳрамон талқини алоҳида таҳлил этилди:

«Қиссаи Жамшид»нинг ёзма вариантыда бош қаҳрамон талқини. Қиссада Жамшид образи ниҳоятда ўзига хос тарзда тасвирланган. Мазкур образ «Қиссаи Жамшид»га анъанавий образ сифатида кўчган бўлса-да, асарда унинг мутлақо янги қирралари намоён бўлган. Асарда Жамшид воқеаси Жамшиднинг тахтга ўтириши билан бошланади. У подшоҳлик тахтига ўтирганида ёш ва ғўр бўлади. Шу сабабли тахт ва ҳукмдорлик масъулиятини ҳис қилмайди, айш-ишратга берилиб кетади. Юрт катталари уни шаҳардан ҳайдаб, ўрнига акаси Қаҳрамонни подшоҳ қилишади. Шундан кейин Жамшиднинг ҳаётида машаққатлар ва зиддиятлар бошланади. Воқеалар ривожига моҳир қиморбозга айланади. Шу лавҳадан Жамшиднинг қиморбоз сифатидаги янги қиёфаси намоён бўлади. У қиморбозлар орасида «Мирзо Жамшид» номи билан машҳур бўлади. Бироқ «Қиморбоз Жамшид» қиёфаси бошқа асарлардаги анъанавий образга хос эмас. Яъни Жамшиднинг қиморбозлик хусусияти фақатгина халқ қиссасида ёритилган.

Қисса давомида Лайливаш, Баҳром, Хунхор шоҳ, Шермаст, Қазот, Маликаи Дилсўз каби Жамшиднинг атрофидаги ёрдамчи образлардан унумли фойдаланилган. Натижада қиссага киритилган ҳар бир янги образ бош қаҳрамоннинг қайсидир хусусияти намоён бўлишини таъминлаган.

«Жамшид қиссаси»нинг оғзаки вариантыда бош қаҳрамон сиймоси. Жамшиднинг оғзаки қиссаси³⁵ ёзма вариантдан бирмунча фарқ қилади. Ҳар иккала вариантда ҳам Жамшидни синаш лавҳаси мавжуд. Ушбу синов мотиви асосан эртақларга хос бўлиб, аксарият дostonларга ҳам кўчган. Масалан, «Алпомиш» дostonида Ҳакимбек ҳам синов жараёнида бобоси Алпинбийдан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйини кўтаради. Шу пайти Ҳакимбек етти ёшда бўлади. Оғзаки вариантдаги Жамшиднинг ҳам етти ёшида бобосидан қолган ёйни тортиб синовдан ўтиши жараёнлари ўзбек халқ дostonлари сюжетларини эслатади.

³³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 122.

³⁴ Қаранг: ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондида «Қиссаи Жамшид»нинг ўзбек тилидаги 2та қўлёзма, 9та тошбосма ва форс тилидаги 2та қўлёзмаси мавжуд. Диссертация ишида қиссанинг 118-инвентарь рақамли тошбосма вариантдан фойдаланилди.

³⁵ Қаранг: Жамшид эртаги. Айтувчи: Х.Тангиоров. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Магнит тасма. Инв. №84. 1974. Жамшид қиссаси. Айтувчи: Х.Тангиоров. Магнит тасма. Инв. №102. 1977.

Оғзаки вариантда асарнинг бошидаёқ Довуд Тамруз етти ёшли Жамшидга бобоси Нуҳ пайғамбардан қолган ёйни кўтартириб, асли ўзининг насли эканлигини аниқлайди. Демак, ўзбек халқ достони «Алпомиш»га хос бўлган «етти ёшли боланинг бобосидан қолган ёйни кўтариши» лавҳаси қиссанинг кейинчалик оғиздан оғизга ўтиб, сайқалланиши жараёнида кўшилган. Келтирилган ушбу синов мотиви орқали қисса қаҳрамонининг шунчаки жасурлиги эмас, унинг куч-қудрати бекиёслигини тушуниб етилади ва воқеа давомида ундан «катта натижалар» кутилади.

Қиссанинг оғзаки ва ёзма вариантыда икки хил ғоянинг ривожини кузатилади. Биринчиси, оғзаки вариантда Жамшид отасининг тахтини, ўз меросини қайтариб олиш учун ҳаракат қилади. Иккинчиси, ёзма вариантда Жамшиднинг даставвал ибратли жиҳатлари алоҳида қайд этилиб, ҳукамолар томонидан «подшоҳ Жамшид Машрикдин Мағрибға, Ямандин Ёсарға, Жобалақодин Жобаласоғача, етти иқлимға подшоҳ» бўлиши ва шунга муносиб эканлиги таъкидланиб, воқеалар ривожини адолатли подшоҳ ҳукмронлигидаги марказлашган давлат барпо этиш ғояси остида ҳаракатга келади. Демак, дастлаб ёзма вариантда тасвирланган асарнинг ғоявий, тасвирий, ҳажмий жиҳатдан кенглиги оғзаки вариантда анча торайган. Агар давр нуқтаи назаридан олиб қарасак, оғзаки қисса яшаган давр учун марказлашган давлат қуриш ғоясидан кўра мустақиллик, ўз юртига эгалик қилиш ғояси энг долзарб ҳисобланган.

Диссертацияда халқ қиссасида анъанавий Жамшид саргузашти билан боғлиқ воқеага оригинал лавҳалар, халқ дostonлари, эртақларига хос мотивлар, воқеалар тақозосига кўра ўнлаб янги образлар киритилгани, бир томондан, асар сюжети зиддиятини оширган бўлса, иккинчи томондан, бош қаҳрамон Жамшид образининг янги қирраларини очишга хизмат қилгани далилланди.

Бобнинг «*Қиссаи Жамшид*» асарининг поэтик хусусиятлари масаласига бағишланган иккинчи фаслида «Қиссаи Жамшид» асарининг поэтик хусусиятлари тадқиқ этилди. «Қиссаи Жамшид»нинг ўзига хос жиҳатлари мазкур масалалар асосида кузатилди.

а) асарда жонлантириш, ўхшатиш, муболага: гипербола, литота каби бадий санъатларнинг қўлланиши;

Асарни бадий жиҳатдан безашда жонлантириш муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф жонлантириш воситасида «инсонга ва жонли мавжудотларга хос белгиларни табиат ҳодисаларига, нарсаларга ва тушунчаларга кўчиради»³⁶. Масалан, қиссада жонли мавжудотга хос «қараш» хусусиятини жонсиз нарса бойликка кўчиради: «*Давлат сенга боқай деса, унамайдурсан*».

Бадий асарда кенг қўлланиладиган тасвирий-ифодавий воситалардан яна бири ўхшатишдир. Қиссагўй Лайливашнинг Маликаи Дилсўзга бўлган муҳаббати тасвирлашда қуйидаги ўхшатишдан фойдаланади: «*кучоқиға кирса, ўтга куйгондек зоҳир бўлуб тоқат қилолмас эди*». Шунингдек, қиссада баъзи муболағали ўхшатишларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, «халқнинг

³⁶ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 137.

кони *дарёдек оқти* ва жасади *тоғдек думаланди*», «қирон қилдиларки, «ел бирла туфроқ олишқондек», «бир мушт урдик, боши *сабчадек узулиб кетти*» каби. Қиссагўй ушбу ўхшатишлар орқали бадий воқеликни ўқувчи кўз ўнгида аниқ гавдалантиришга эришган. Диссертацияда қиссанинг поэтик кўлами бадий-тасвирий мисоллар орқали далилланди.

б) қисса баёнида оҳанг воситалари: инверсиядан фойдаланиш;

